

4. Аvezбаев С.А., Волков С.Н. Ер тузиш иқтисоди. Тошкент, янги аср авлоди, 2005.
5. Аvezбаев С.А. Рациональное использование земель в цизовьях Амударье. Ташкент, Мехнат, 1990.
6. Ахунова М.Х. Пахта –тўқимачилик кластерларини ривожлантириш масалалари. Нам.Ду илмий ахборотнамаси, 4-сон, 2020, Наманган, 2020 179-183б.
7. Бекмуратов А.Ш. ва Янг Сонг Бе. Шзбекистон тшчимачилик саноати стратегиясини ривожлантиришда кластер ёндашуви. Монография. 2006 йил. - 112 бет.
8. Бгаттин П., Becattini G. From Marshallsto the Italian “Industrial Districts”. / www.copetitivness.org
9. Солиев А. ва Хакимов З. Кластер назарияси ва уни амалиётда қўллаётган мамлакатлар тажрибасидан Наманган вилоятида фойдаланиш имкониятлари. // “Бизнес - эксперт” журнали. 2014 йил, 1- сон, 52-57 бет.
10. Идрисов Х. Соя даромадли ва фойдали экин. Журнал. Агроолам, ilm.uz, 2020, 6-сон.
11. Маршалл А. Принципи экономической науки, I-III. Пер.с англ.- М.: Издательская группа «Прогресс», 1993.
12. Муродов У., Хасанов Ш., Муродова М. Агрокластерлар ташкил этилишининг назарий асослари. Журнал. Иқтисод ва молия, 2-сон. 2014.
13. Мансуров С.К. Пахта-тўқимачилик кластерларининг бугунги кундаги таҳлили ва ривожланиш истикболлари. Журнал. Иқтисодиёт ва таълим, 2022 йил 3-сон, Тошкент, 2022. 281-285б.
14. Лапкин К.И., Размещение и развитие производительных сил в средней Азии. Ташкент. Фан, 1966.
15. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати бўйича Миллий хисобот, Тошкент. Кадастр агентлиги. 2022.

БУГУНГИ ЎРМОН ЕРЛАРИГА ЭЪТИБОР-ЭРТАНГИ КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Акрамова Ю.М. – докторант, ТИҚХММИ МТУ

Аннотация. Ушбу мақолада фойдаланилмаётган ўрмон хўжалиги ерларини қайта фойдаланишга киритиш заруррати ҳақида ёритилган. Тошкент вилояти мисолида фойдаланилмаётган ўрмон фонди ерлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ўрмон хўжалигиб фойдаланилмаётган ўрмон фонди ерлари, концепция, ҳукумат қарорлари

Ўрмонлар инсоният ҳаётида муҳим ўрин тутди. Улар табиатнинг бир қисми бўлиб, ўрмондан ҳавога кислород, фойдаланишга ёғоч, ўтин, истеъмол қилишга ёнғоқлар, қўзиқоринлар ва доривор ўсимликлар олинади. Ўрмонлар барпо этилиши суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда, тоғдаги жарликларнинг пайдо бўлиш хавфини олдини олишда, сув танқислиги муаммосини ечишда, селга қарши курашда, қумларнинг кўчишини тўхтатишда, дашт яйловларнинг маҳсулдорлигини кўтаришда муҳим аҳамиятга эга.

2020 йил ҳолатига кўра дунё бўйича ўрмонларнинг умумий майдони 4,06 миллиард гектарни ташкил қилади^[1], яъни бутун қуруқлик қисмининг 31 %и ўрмонлардан иборат бўлса ҳам уларнинг ярмидан кўпи бештагина давлат ҳудудига (Бразилия, Канада, Хитой, Россия ва Америка) ҳамда қолган қисми бошқа бир қанча давлатлар ҳисобига тўғри келади^[2].


Ўзбекистон Республикаси Ўрмон фонди ерларининг умумий ер майдони 2022 йил ҳолатига **12 млн** гектарни, яъни Ўзбекистон Республикаси умумий ер майдонининг **26,7** фоизи (2017 йилда **10,5** млн гектар, **23,4** фоиз)ни ташкил этади, шундан ўрмонзорлар майдони **4,5** млн гектар (**10** фоиз), шу жумладан, ўрмон билан қопланган ер майдони **3,3** млн гектарни, яъни Республика умумий ер майдонининг **7,3** фоизи (2017 йилда **3,1** млн гектар, **6,9** фоиз)ни ташкил этади^[3], ўзгариш динамикаси куйидаги 1-расмда акс этган:



1-расм. Ўзбекистон Республикаси ўрмон фонди ерларининг 2017-2022 йиллардаги ўзгариш динамикаси.

Барча ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги **ПҚ-4850-сонли** “Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш **концепция**сини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан 2021-2030 йилларда **72 472** гектар **фойдаланилмаётган ўрмон фонди ерларини фойдаланишга киритиш** топшириғи белиланган. Шундан, **2021** йилда **5** минг гектар ерни фойдаланишга киритиш топшириғи берилган бўлиб, амалда **6** минг гектар ер фойдаланишга киртилган. **2022** йилда **6** минг гектар ерни фойдаланишга кириш белгиланган бўлиб, **7** минг гектар ер фойдаланишга киритилди.


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзларининг нутқларида Ўрмон хўжалигида дарахт билан қопланган ҳудудлар атиги 8 фоиз экани, албатта, етарли эмас. Кўчатчиликни ривожлантириб, чўлларда 221 минг гектар, тоғ ҳудудида 15 минг гектар ўрмонлар барпо қилишга имконият борлиги қайд этилди. Бунда, ўрмончилик соҳасини ривожлантириш ҳамда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишни давом эттириши зарур.



2-расм. Тошкент вилоятидаги жами ўрмонли ерлар

Тадқиқот объектим Тошкент вилояти мисолида ўрмон фонди ерларини таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси жами ўрмон фонди ерларининг 4.3 %и, яъни **515141** минг га ер майдони жами вилоят ўрмон фонди ерлари бўлса, шундан 24,8 %и, яъни 127751 минг га ўрмонли ерлар ва 75,2 %и, яъни 387390 минг га ўрмонсиз ерлар ҳисобланади^[5]. Юқоридаги ва қуйидаги диаграммаларда вилоятдаги ўрмон фонди ерларининг ер турлари бўйича тақсимланиши кўрсатилган:

3-расм. Тошкент вилоятидаги жами ўрмонсиз ерлар



Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 24 июлда қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси Сенати томонидан 2021 йил 31 июлда маъқулланган 2021 йил 16 августдаги ЎРҚ-708-сонли “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ давлат ўрмон фондининг фойдаланилмаётган ерларини 49 йилгача бўлган муддатда ижарага беришнинг ҳуқуқий асоси яратилгандан сўнг ўрмон фонди ерларидан қўшимча фойдаланиш ва хўжаликларни даромадини ошириш мақсадида ўрмон хўжаликлари ерлари хусусий секторларга шаффоф электрон онлайн-аукцион асосида белгиланган мақсадда ижарага берилмоқда^[4].

Аввалги қонунчилик бўйича бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга, зарур ҳолларда бу муддатни узоғи билан яна бир йилга узайтириб беришга йўл қўйилган. Ижарага олган жисмоний ёки юридик шахслар бу муддат ичида белгиланган мақсади бўйича фойдаланиб, даромад олиб улгурмаганлиги сабабли улар ерларни фойдаланишга олмасдилар. Мисол сифатида павлония

дарахтини оладиган бўлсак уни 7 йилдан сўнг кесиб олишни бошлаш мумкин. Хандон писта 10-12 йилда, бодом 12-15 йилда, ёнғоқ 6-10 йилда тўлиқ ҳосилга киради. Шунинг учун Кодекс ва қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгандан сўнг, яъни 49 йилдан кўп бўлмаган муддатга ижарага берилиши амалда қўлланилгандан сўнг ўрмон фонди ерларидан қўшимча белгиланган мақсадда ижарага бериш салмоқли даражада ошди. Бундан ташқари ўрмон хўжаликларини даромадлари ошиб, моддий базаси мустаҳкамланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда^[6].

Ўрмон фонди участкасининг фойдаланилмаётган қисми қуйидаги мақсадларда ижарага берилиши мумкин:

- а) ўрмон барпо этиш учун:
- б) қишлоқ хўжалиги экинлари экиш учун:
- в) мевали боғлар барпо этиш учун:
- г) ёнғоқ мевали боғлар учун:
- д) кўчат етиштириш учун:
- е) лимонарий ва иссиқхоналар ташкил этиш учун:
- ж) яйлов ва пичанзорлар учун:
- з) доривор ўсимликлар етиштириш учун:
- и) овчилик учун:

к) балиқчилик, туризм, агро туризм, экологик туризм, рекреация, соғломлаштириш, табиий ресурслар (туз, тош, қум, шағал, тупроқ ва бошқа қазилма бойликлар) жойлашган майдонлар, қурилиш (чорвачилик, паррандачилик, омборхона, қадоклаш, музлаткич ва ҳакозо), аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш (автотураргоҳ, автомобилларга хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш мақсадларида) ва бошқалар учун⁷.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда 1380 минг га ҳайдалма ер, бундан 803 га сувли ва 577 га лалми ҳайдалма ерларни ва 224832 минг га бошқа фойдаланилмаётган ерларни ижарага бериш бўйича аниқ илмий лойиҳалар ишлаб чиқишимиз зарур. Бу орқали Республика иқтисодиёти ўсади, ўрмон хўжаликлари иқтисодий ривожланади, аҳолининг ишсиз қатлами иш билан таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қаландаров М. Ўрмон таксацияси. Дарслик. Тошкент, Чўлпон, 2014
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер фонди. Тошкент, 2020
3. Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекс
4. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги агентлиги маълумотлари
5. <https://www.fao.org/home/en>
6. <https://reliefweb.int/report/world/state-world-s-forests-2020>

7. <https://www.lex.uz>

YER RESURSLARINI BOSHQARISH MUNOSABATLARINI TRANSFORMATSIYA QILISHNING USTUVOR YO‘NALISHLARI

Altiyev A.S.– Iqtisodiyot fanlari doktori, professor , “TIQXMMI” MTU

Annotatsiya. Ushbu maqolada yer resurslarini boshqarish bilan bog‘liq ko‘plab muammolar to‘grisida fikr yuritilgan. Yer resurslarini boshqarish nafaqat tadbirkorlar, investorlar, klasterlar, dehqon va fermer xo‘jaliklarining yerlardan samarali foydalanishiga, balki yangi ish o‘rinlari yaratish, kambag‘allikni qisqartirish, oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlash, ishlab chiqarish raqobatdoshligini va eksport salohiyatini oshirish kabi eng muhim ustuvor masalalarni yechish kabi bir qator muommolar batafsil yoritilgan.

Kalit so‘zlar: yer resurslari, yerdan foydalanish, yer fondi, yer tuzish, yer monitoringi, yer resurslarini boshqarishning eng muhim funksiyalari

Yer va boshqa tabiiy resurslar umummilliy boylik, xalqimiz hayoti va faravonligining asosi hisoblanib, ulardan maqsadli va samarali foydalanish, muhofaza qilish, ekologik holatini saqlash, ayniqsa jamiyat va iqtisodiyot ehtiyojlarini qondirish darajasida ularni boshqarishni tashkil etish davlat siyosatining eng muhim ustuvor yo‘nalishlaridan biridir.

Darhaqiqat, bugungi kunda dunyoda yer resurslarini boshqarish bilan bog‘liq ko‘plab muammolar mavjud. Xususan, yerlarni qayta taqsimlashning keskinlashayotgani, ekologik-iqtisodiy jihatdan qulay yerlar tanqisligining mavjudligi, yer unumdorligining pasayishi va investitsiyalar yetishmasligi, yerlar degradatsiyasini boshqarish iqtisodiy usullarining sustligi, qishloq xo‘jaligi yerlarini yo‘qotishlarning to‘xtamayotganligi shular jumlasidandir.

Davlatimiz rahbarining qabul qilgan ko‘plab qarorlarida, mamlakatimiz hududlariga tashriflari chog‘ida ta‘kidlanganidek, yer resurslarini boshqarishning holati bugungi kun talablariga javob bermaydi, yerlarni ro‘yxatga olishdan tortib, ularning investitsiya jarayonlarida ishtirok etishigacha, ko‘plab ijtimoiy muammolarni hal qilish yerlarni to‘g‘ri va adolatli taqsimlash va qayta taqsimlash bilan bog‘liq. Demak, yer resurslarini boshqarish nafaqat tadbirkorlar, investorlar, klasterlar, dehqon va fermer xo‘jaliklarining yerlardan samarali foydalanishiga, balki yangi ish o‘rinlari yaratish, kambag‘allikni qisqartirish, oziq-ovqat